



MILLIY TIKLANISH

38 (203) ● 2012 йил 19 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



КЎЙИ БЎҒИН партия электрорати манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни бартараф этиш ва ҳудудда "устоз-шогирд" анъанавий мактаблар ташкил этиш, ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.



МУХЛИСЛАРНИНГ қўллаб-қувватлаши футболчиларга куч-ғайрат бағишлайди, галабага ундайди. Лекин бунда ҳам меъёр, маданият бўлиши керак. Ўз жамоасини қўллаб-қувватлайман деб бошқа жамоа аъзоларининг нафсониятига тегмаслик лозим.



МУЗЕЙДА турли кўرғазмаларни мунтазам ўтказиш анъанага айланган. Бу, энг аввало, халқимизда замонавий ҳаёт ўзгаришлари билан бирга, унинг ўтмиши, ҳаёт тарзи, маданият салоҳияти ҳақида кенгроқ тасаввурлар ҳосил қилишга хизмат қилади.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

5 МАЪНАВИЯТ

8 КЎЗГУ

● **ХАБАРЛАР**

Ёш тадбиркорлар учун имкониятлар
 "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келахак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва "Микрокредитбанк" томонидан Нукус шаҳрида ташкил этилган навбатдаги семинар ёш тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бағишланди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан 30 нафар ёш тадбиркор иштирок этди. Тошкент шаҳридаги ёш тадбиркорлар мактабидан келган мураббийлар улар учун машғулотлар ўтказиб, тадбиркорлик фаолияти ҳақида, хусусан, бизнес-режа тузиш, имтиёзли кредитлар олиш, маблагни тўғри тақсимлаш, даромад олиш ва ундан фойдаланиш борасида кенг тушунчалар бердилар.

Энг сара китоблар танлови
 Москва шаҳрида ташкил этилган XXV халқаро китоб кўرғазма-ярмаркасида IX давлатлараро "Китоб санъати" ярмаркаси доирасида ўтказилган энг сара китоблар танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур танловда "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Ўзбекистон архитектура эпиграфикаси дурдоналари" ҳамда "Шарқ каллиграфияси ва миниатюра санъати намуналари" китоблари учун 3 та биринчи ва иккинчи даражали дипломларни қўлга киритди. Бу наشرлар халқаро китоб кўрғазма-ярмаркасида ҳам намойиш этилди ва МДХнинг Ҳамдўстлик музейига тухфа қилинди.

ИнфоСом Ўзбекистон — 2012
 24-28 сентябрь кунлари "ИнфоСом Ўзбекистон — 2012" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги иш бошлайди.

Ҳафталик Ёшлар ижод саройида "UZ" миллий домени интернет-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими билан бошланади. Шу куннинг эртасигаёқ Ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит ўтказилади. 26-28 сентябрь кунлари эса бир пайтнинг ўзида Тошкент, Навоий ва Термизда "ICTExpo-2012" ахборот технологиялари миллий кўрғазмаси иш бошлайди. Кўрғазмада маҳаллий ва хорижий компаниялар ўзларининг энг сўнгги ишланмалари, кенг турдаги ўзига хос хизмат турларини намойиш этишади.

● **ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ**



Оилавий корхоналар

СОЛИҚ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ЮРИТИШ УЧУН ҲУҚУҚИЙ БАЗА МУСТАҲҚАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, ҳуқуқшунос ва мутахассислар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Фракция аъзолари дастлаб «Хусусий банклар ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

— Ушбу қонун лойиҳасининг асосий мақсади хусусий банклар ва молия институтлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва уларнинг фаолияти кафолатларини таъминлашдан иборат, - деди масъул кўмита вакили. — Шунингдек, хусусий банклар ва молия институтларига таъриф берилган бўлиб, кредит ва молия ташкилотлари сингари устав фондида умумий улушнинг элик физидан ортиги жисмоний шахслар ҳамда устав фондида давлат улуши бўлмаган юридик шахслар томонидан шакллантирилиши белгиланмоқда.

2-бет

● **МАФКУРА**



Миллий тикланиш ғояси

ЭНГ ЯХШИ ТАРҒИБОТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Анджонда миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчилари аниқланди. Унда вилоятнинг барча шаҳар, туман Кенгашларидан ғолиб чиқиб, вилоят босқичига йўланма олган 16 нафар иштирокчи ўзаро беллашди.

Танлов ЎзМТДП сафида фаолият олиб бораётган, партия ғояси, дастурий мақсад ва вазифаларини оммага таъсирчан етказишда фаол иштирок этиб келаётган, ўзининг ижодий ишлари билан танилган, юксак билим ҳамда тажрибага эга партия аъзолари ўртасида ўтказилди. Тадбирда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига партияимиздан сайланган депутатлар, партия вилоят Кенгаши фаоллари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Анджон ҳудудий бўлини маси ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ва Президент асарлари ҳамда ЎзМТДП дастурий мақсадлари, мафқураси ва ғоясини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, партия Кенгашлари қошида тарғиботчи-нотиклар гуруҳини шакллантириш, барча йўналишларда турли лойиҳаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатётган партия фаолларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди, - деди ЎзМТДП Анджон вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Комилжон Отахонов. — Бу каби танловлар, ўз навбатида, партияимизнинг маънавий-маърифий ва мафқуравий йўналишдаги фаолиятини навбатдаги поғонага кўтариш, янги истеъодларни кашф этиш ҳамда партия ғоялари тарғиботини изчил амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

2-бет

● **ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ**

Хунарманд ёшлар

УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЎЗМТДПНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

Юртимиз азалдан ўзининг моҳир уста, дурадгор, кулол ва мусаввирлари билан дунёга донг таратган. Қўлузел хунармандларимиз томонидан яратилган маҳсулотлар ва санъат асарлари, буюк ипак йўли бўйлаб юрган карвонлар воситасида мағрибу-машириқда машхур бўлган. Аждодларимиздан мерос санъат асарлари неча минг йилдирки, дунё сайёҳларини катта ҳаяжон ва ҳайратга солиб келмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча жабҳаларида бўлгани каби халқ амалий санъати ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш йўлида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

3-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

● ФРАКЦИЯ ҲАЁТИ



Оилавий корхоналар

СОЛИҚ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБДА ЮРИТИШ УЧУН ҲУҚУҚИЙ БАЗА МУСТАҲҚАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)



Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари қонун лойиҳасида хусусий мулкка асосланган молия институтларини ташкил этишнинг қонуний асосларини яратиш, банк ва бошқа молиявий бозорларда мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланганига алоҳида эътибор қаратдилар. Эътироф этилганидек, мазкур қонун лойиҳаси партиянинг дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган иқтисодий эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш каби вазифалар ижросини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Йиғилишда «Микромолиялаш соҳасининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг асосий мақсади микромолиялаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва микрокредит ташкилотлари тизимини ривожлантириш, микромолиялаш соҳаси самардорлигини таъминлаш мақсадида халқаро тамойиллар ва стандартлар асосида назорат қилиш ҳамда тартибга солишнинг таъсирчан механизмни жорий қилишга қаратилган. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республи-

касининг «Микромолиялаш тўғрисида»ги, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўз кучини йўқотган деб топилмоқда. Бундан ташқари, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларга улар томонидан ажратиладиган кредитларни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, жумладан, номинал фоиз ставка, комиссия ҳақ ва бошқа тўловларни ўз ичига олувчи самарали фоиз ставкаси ҳақида бюрократча ахборот берилиши юзасидан қўшимча мажбурият юклатилмоқда. Шу билан бирга, микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича тегишли шартнома тузилади. Кейин қарз олувчи томонидан пул маблағлари олингунгача ёки микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан микролизинг объекти учун тўлов амалга оширилади. Унга қадар эса қарз олувчи микроқарз, микрокредит, микролизинг олишдан воз кечган тақдирда, шунингдек, қарз олувчи томони-

дан микромолиявий хизматлар бўйича, шу жумладан, микролизинг бўйича мажбуриятлар муддатидан аввал сўндирилган ҳолларда қарз олувчидан жарималар (пеня) ва бошқа қўшимча тўловлар ундирилишига йўл қўйилмаслиги бўйича қўшимча талабларнинг киритилиши микромолиявий хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди.

Қонун лойиҳаси орқали киритилаётган асосий қўшимчалардан яна бири микрокредит ташкилотлари мижозлари ва кредитларнинг ҳисобварақлари ҳамда операцияларига нисбатан банк сири нормаларини таъбиқ этишдан иборат. Фракция аъзолари эътироф этишганидек, бу каби қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурий мақсадларида кўзда тутилган Ўзбекистон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кучли ташқи иқтисодий стратегияни рўйбга чиқариш, давлатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш каби масалаларда муҳим ўрин тутди.

Фракция йиғилишида, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

— Маълумки, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига асосан, оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтиши ҳамда унга солиқ солинмаслиги белгиланган, — деди масъул кўмита вакили. — Ушбу қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 176-моддаси саккизинчи банди ва 179-моддасининг олтинчи бандига оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтганда, унга солиқ солинмаслиги тўғрисидаги қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Солиқ кодексининг 351-моддасига эса, оилавий корхона фақат ягона солиқ тўловчиси ҳисобланиши юзасидан ўзгартиш киритиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиниши билан оилавий корхоналарнинг барқарор фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиши таъминланиб, оилавий корхоналарнинг солиқ ва бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган тартибда юритиши учун ҳуқуқий база яратилиши алоҳида эътироф этишди. Бу эса, ўз навбатида, ЎзМТДПнинг мақсад-муддolariга ҳамроҳ бўлиб, миллий хунармандчилик, касаначилик каби оилавий тадбиркорлик йўналишларининг янада ривожланишида зарур ҳуқуқий кафолатларни яратиб беради.

Шунингдек, парламент куйи палатаси муҳокамасига киритилиши назарда тутилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига ҳавола қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси жамиятда оила қуриш маданияти ва фуқароларнинг оилавий муносабатларни шакллантиришга бўлган масъулиятини янада оширишга йўналтирилган. Унга қўра, Оила кодексининг 15-моддаси иккинчи қисмини туман, шаҳар ҳокимлари томонидан никоҳ ёшини камайтиришга руҳсат этиладиган узрли ҳолатларнинг қатъий рўйхатини белгилаб қўйиш юзасидан янги тахрирда баён этилиши таклиф этилмоқда.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 223-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасидаги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Навбатдаги шарт-шароитлар билан республика ҳудудига кирганлиги учун жиноий-ҳуқуқий чоралар белгиланмаганлиги ва бундай жиноят миллий ҳавфсизлигимизга таҳдид солиши мумкинлигидан келиб чиқиб тайёрланган.

Жиноят кодексининг 223-моддаси 2-қисмини Ўзбекистон Республикасига киритиш белгиланган тартибда чекланган қонун-қизинчи банди ва 179-моддасининг олтинчи бандига оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтганда, унга солиқ солинмаслиги тўғрисидаги қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Солиқ кодексининг 351-моддасига эса, оилавий корхона фақат ягона солиқ тўловчиси ҳисобланиши юзасидан ўзгартиш киритиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда сўз олган фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасини қабул қилиниши билан оилавий корхоналарнинг барқарор фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиши таъминланиб, оилавий корхоналарнинг солиқ ва бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган тартибда юритиши учун ҳуқуқий база яратилиши алоҳида эътироф этишди. Бу эса, ўз навбатида, ЎзМТДПнинг мақсад-муддolariга ҳамроҳ бўлиб, миллий хунармандчилик, касаначилик каби оилавий тадбиркорлик йўналишларининг янада ривожланишида зарур ҳуқуқий кафолатларни яратиб беради.

Шунингдек, парламент куйи палатаси муҳокамасига киритилиши назарда тутилган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига ҳавола қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси жамиятда оила қуриш маданияти ва фуқароларнинг оилавий муносабатларни шакллантиришга бўлган масъулиятини янада оширишга йўналтирилган. Унга қўра, Оила кодексининг 15-моддаси иккинчи қисмини туман, шаҳар ҳокимлари томонидан никоҳ ёшини камайтиришга руҳсат этиладиган узрли ҳолатларнинг қатъий рўйхатини белгилаб қўйиш юзасидан янги тахрирда баён этилиши таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари алоҳида эътироф этишганидек, ушбу қонун лойиҳаси ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган истемол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзига келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига олиб қилиш, халқаро майдонга «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» брендини олиб кириш мақсадларини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Камолддин ҲОТАМОВ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Миллий тикланиш

ҲОЯСИ

ЭНГ ЯХШИ ТАРҒИБОТЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Танлов низомига кўра, биринчи шартда иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент асарлари, ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, тузилган тест саволлари асосида интеллектуал салоҳияти синовдан ўтказилди. Навбатдаги шартда иштирокчилар юртимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни, шунингдек, партия фаолиятини ёритувчи мақолаларни қисқача шарҳлаб, партия дастурий мақсад ва вазифаларини қай даражада тарғиб қилганини ифода этиб бердилар. Сўнгги учинчи шартда иштирокчиларга мамлакатимизда кечаётган демократик жараёнлар ва партия фаолияти юзасидан саволлар берилди, яъни уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари синовдан ўтказилди.

Тадбир доирасида иштирокчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил қилинди. Ундан ўрин олган мақолаларда юртимиз истиқболининг теран томирлари ва келажаги буюк давлат қуриш борасидаги долзарб вазифалар, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий

партияларнинг ўрни, аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида миллий кадрлар, аъёна ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини шакллантириш, аждодлардан қолган маънавий меъросни асраб-авайлашга эътибор қаратилган. Бунда, ЎзМТДП Пахтабод туман Кенгаши вакили Феруза Фозилова, Кўргонтепа туман Кенгаши иштирокчиси Феруза Сайдуллаева, Балиқчи туман Кенгашидан Барноҳон Ҳайдарованинг мақола ва шеърий тўпламлари алоҳида эътирофга сазовор бўлди. Шунингдек, ўзаро муносабатларда умумбашари кадрларни устун қўйиб, халқаро майдонда тинчлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлаш, низо-ларни тинч йўл билан ҳал этиш учун курашаётган ватанимизнинг ички ва ташқи сиёсати борасида ёзилган илмий мақолалар, ҳикоя ва шеърлар иштирокчилар эътиборини тортиди.

Яқунда партия Марҳамат туман Кенгаши вакили Сирожиддин Сотволдиев биринчи, Жалақудук туман Кенгашидан Ҳамроҳон Маматқулова иккинчи ва Бўз туман Кенгашидан иштирокчи Абдуқарим Қувватов учинчи ўринга қўйиб деб топилди. Танлов голиблари диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Сирожиддин СОТВОЛДИЕВ, ЎзМТДП аъзоси, танлов голиби:

— Истиқлол йилларида юртимизда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар қалбда дахлдорлик туйғусини янада кучайтириш, мустақил фикрли ва миллий истиқлол голярига содиқ, мустаҳкам позицияга эга бўлишни шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. ЎзМТДП ҳам ана шундай сиёсий фаол, дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган, интеллектуал салоҳияти юксак ёшларни тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда. Мазкур танлов бу борадаги эзгу ишларнинг мантиқий давоми, десак мунобага бўлмайди. Хусусан, бугунги танлов партия голяри тарғиботини амалга оширишда қайси жиҳатларга эътибор бериш лозимлигини ўргатди. Бундан ташқари миллий истиқлол голяси мазмун-моҳиятини тенгдошларимга тушунтиришда нафақат тарғиботчи сифатида балки, шу юртининг ворислари бўлиб унинг кадр-қимматини англайдиган, ҳаётда олдига аниқ мақсад қўйган, ақл-заковатли бўлишимиз кераклигини англадим.

Замира МАМАШАРИПОВА, ЎзМТДП Асака туман Кенгаши «Аёллар қаноти» фаоли, рағбатлантирувчи ўрин соҳиби:

— Бугунги тадбирдан унутилмас таассуротлар олдим. Кўплаб дўстлар орттирдим. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, танловдаги иштирокчи давомида сиёсий саводхонлигимни янада оширдим. Айниқса, учинчи шарт яъни ҳайрат аъзолари билан сўхбат чоғида тарғиботчи қандай бўлиши керак, ундан нималар талаб этилади, партия дастурий мақсад ва вазифалари бажарилиши замирида нималар мавжуд каби саволларга жавоб топдим. Бу каби беллашувлар биз ёшларни ҳаётда ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашда, сиёсий, ҳуқуқий билимларимизни янада бойитиш, миллий тикланиш голясининг билимдони, етук тарғиботчи, бир сўз билан айтганда, халқимизга муносиб фарзанд бўлишга ундаши шубҳасиз.

Камола АБДУВАЛИЕВА,
ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши матбуот котиби

● ПАРТИЯЛАРАРО МУНОЗАРА

Дастурий вазифа ва сайловолди ваъдалар

ПЕШКУ ТУМАНИДАГИ ЎзЛиДеПчилар ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМОҚДА

Мустақиллик шарофати билан ҳудудда қад ростлаган хашаматли иморатлар, кўркам касб-хунар коллеж ва академик лицейлари, маънавий хизмат шахобчалари, барча замонавий қулайликларга эга деҳқон бозорлари, истироҳат боғлари Ибн Сино юртининг чиройини очиб юборди, десак хато бўлмайди.

Айни пайтда туманда 102 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Шундан 91530 нафари қишлоқ жойларда яшайди. Меҳнатга лаёқатли 58 минг нафар аҳоли халқ ҳўжалигининг турли тармоқларида фаолият юритмоқда. Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Пешку туманида ҳам ислохотларни чуқурлаштириш, бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқ ҳўжалиги тармоқларининг узлуksиз фаолият кўрсатиши учун бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йилда санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 100,1 фоизга ўсиши таъминланди. Ишлаб чиқарилган санаят маҳсулотларининг 25,4 фоизи кичик бизнес субъектлари улу-

шига тўғри келди. Шунингдек, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 126,1 фоизга, чакана савдо айланмаси 113,7 фоизга ўсиши таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, туманда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар жараёнида сиёсий партиялар ҳам фаол иштирок этишга интилоқдалар. Аммо, кузатувлар туманда эришилган ютуқлар билан бирга айрим камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, тегишли ташкилотлардан олинган расмий маълумотларни таҳлил қилиш асосида туманда айрим тадбиркорлар фаолияти барқарор эмаслиги, янги очилган корхоналар турли сабабларга кўра ишламаётгани ёхуд фаолиятини тўхтатганлига гувоҳ бўлди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 49 та юридик макомга эга бўлган тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган ва 65 та корхона турли сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган. Шунингдек, 121 та яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида барқарорлик сезилмапти.

Ўрни келганда айтиш лозимки, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси Уставининг 2.3 бандида партия мақсад ва вазифалари моҳиятини аҳоли эътиборига самарали тарзда етказиш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни мунтазам ўрганиб бориш, уларни партиявий воситалар билан ҳал этиш, шу жумладан, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда фойдаланилмаётган захира ва ички имкониятларни излаб топшиш ва уларни аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш чораларини кўради, деб таъкидланган.

Бугунги кунда халқ депутатлари Пешку туман Кенгашида 28 нафар депутат фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 15 нафари ЎзЛиДеПдан, 7 нафари ЎзХДПдан, 3 нафари ЎзМТДП ва 3 нафари «Адолат» СДПдан сайланган. Бирок, туман Кенгашининг жорий йилда бўлиб ўтган 6 та сессиясининг кун тартибининг ўрганганимизда халқ депутатлари туман Кенгашида нисбатан кўп ўрин эгаллаган

ЎзЛиДеПдан сайланган депутатлар сайловчилар ва электорати манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган таклиф ёки ташаббус билан чиқишмаган. Бозор муносабатлари эркинлигини ривожлантириш, бозор ислохотлари йўлига ҳалақат бер-

кўз юмаётган, кўриб-кўрмасликка олаётганини кўрсатмайдими? Бундай камчиликлар тумандаги бошқа партиялар, хусусан, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи фаолиятида ҳам кўришимиз мумкин. Истиқлол йилларида юртимизда миллий хунармандчилик

миз дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган миллий хунармандчиликни ривожлантириш, халқ усталари, оилавий бизнес вакиллари, касаначиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббуслар билан чиқишмаган.

Партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида ЎзМТДП айрим депутатлик гуруҳлари партия ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этаётганлиги, маҳаллий Кенгаш сессияларида партия позицияси ва ижтимоий қатлами ман-

ва туризмни ривожлантириш учун барча шарт-шароит ҳамда имкониятлар яратилди. Кузатувлар туманда миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш йўналишида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Афсуски, халқ депутатлари Пешку туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар туман Кенгаши сессияларида партия-

Маннон ОТАБОЙ,
«Milliy tiklanish» мухбири

Бухоро воҳасининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган Пешку тумани нафақат вилоятда, балки мамлакатимиздаги энг қадимги аҳоли яшаган манзиллардан бири саналади. Утган аср ўрталарида ўтказилган археологик текширишлар Бухоро тарбия, Зарафшон дарёси ирмоқлари бўлган Вобкентдарё, Моҳондарё, Гужайли ва Гурдуш ўзаниларининг қадимги дельталаридан мил.авв. XII-VII минг йилликларга оид тош қуролларини топдилиши бу ўлкада шу замонлардан бошлаб ҳаёт гавжумлашганидан далолат беради. Пешку тарихи қўлланмасига кўра, туман мазкур ҳудуддаги қадимги қишлоқлардан бири бўлган Хўжа Пешку номи билан аталади. Атаманин маъносини «Пешу куй» — «катта йўл устидаги жой» тарзида тушуниш мумкин.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

Хунарманд ёшлар

УЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-қувватлаш ўзМТДПнинг доимий эътиборида



(Давоми. Боши 1-бетда)

Хусусан, 1997 йил 31 мартда қабул қилинган "Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Президент Фармонлари соҳа тараққиётида янги босқични бошлаб берди. Мазкур фармонларга асосан Республика "Хунарманд" уюшмаси ташкил этилиб, кадрларимиз да-

вомчиларининг эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Маълумки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси электоратининг кўпчилигини хунармандлар, халқ усталари, мусаввир ва касаначилар ташкил этади. Партия электорати манфаатларини ҳимоя этиш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида миллий хунармандчиликни кенг ривожлантириш ўзМТДПнинг устувор вазифаларидан бири саналади. ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" томони-

дан минтақада миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ёшлар ҳамда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар томонидан тайёрланган махсулотлар кўрғазмаларини ташкил этишга кўмаклашиш, рағбатлантириш ҳамда тижорат банкларидан имтиёзли кредитлар олишда ёрдамлашиш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. — Партия дастурий мақсад ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, хусусан, халқ хунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик

институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишига кўмаклашиш ҳамда истеъдодли ва ижодкор инсонларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилмоқда, - дейди ЎзМТДП Сирдарё вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Солижон Қудратов. — Шу боис Республика "Хунарманд" уюшмаси вилоят бўлими билан муштаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Уюшма билан биргаликда халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва баёбах миллий қадриятларини қайта тиклаш, эзгу анъаналаримизни ривожлантириш, кадрларимиз давомчиларининг янги гоё ва лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, партия вилоят Кенгаши томонидан миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш, ёшларни соҳага кенг жалб қилиш, уларнинг қизиқишларини қучайтириш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг натижасида бугунги кунда вилоятда 60 дан ортиқ "устоз-шогирд" мактаблари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда 200 нафарга яқин ёшлар хунар сирларини кунт билан ўрганимоқдалар.

— ЎзМТДП вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" хунарманд йигит-қизларини сиёсий, ҳуқуқий билимларини юксалтириш, маънавий дунёқарашларини кенгайтиришга қаратилган қўллаб-тадбир, давра суҳбати ва кўрик-танловлар ўтказилмоқда, - дейди ЎзМТДП вилоят Кенгаши Ижроия

Қўмитаси "Ёшлар қаноти" етакчиси А.Қўшбоқов. — Бундан ташқари ёш хунармандларнинг ўз истеъдодларини намойиш этиш, ижод намуналари билан кўрғазмаларда қатнашиш учун шарт-шароит ва имкониятлар яратилишига имтиёз қаратилмоқда. Сай-ҳаракатларимиз натижасида қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ташаббус", "Энг улуг, энг азиз" каби кўрик-танловларнинг вилоят, республика босқичларида фаол қатнашиб юқори ўринларни қўлга киритмоқдалар. Яқинда Гулистон шаҳрида ёш хунармандлар ўртасида навбатдаги кўрик-танлов ўтказилди. Унда иштирокчилар дурадгорлик, тўқувчилик ва безак ишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Танловда ёш хунармандлар сайхунбодлик Назира Эсиргапова, Зебунисо Тўрабекованинг тўқувчилик, мунчоли безак ишлари бўйича, сардобалик Зарнигор Хўжанова томонидан тайёрланган миллий сувенирлар, гулистонлик Муборак Хамидова, Марям Тўронова томонидан тайёрланган либослар, уй-рўзгор буюмлари, Нодира Мирзоҳидованинг миллий кўриқчоқлари кўпчиликтида катта таассурот қолдирди. Мирзабод туманидан келган ёш дурадгор Лутфулло Абдуқодиров томонидан тайёрланган турар-жой макети ҳам иштирокчилар эътирофига сазовор бўлди. Шунингдек, оқолтинлик Шаҳноза Хайруллаева, Бекзод Абдуқаюмов, янгиерлик Нозима Султанова, Ўғилбой Бердиқулова тайёрлаган турли миллий хунармандчилик махсулотлари ҳам ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Анорбой НОРҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

● ПАРТИЯ ХРОНИКАСИ

Аждодлар маънавий мероси

УНИ ЎРГАНИШ ВА ЁШ АВЛОД ЎРТАСИДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ЭЪТИБОРИДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Беруний туман Кенгаши ва «Беруний авлодлари» жамғармаси ҳамкорлигида буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1039 йиллиги муносабати билан «Алломага таъзим» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Беруний туман Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари П.Жиемуратов буюк аллома Абу Райҳон Берунийнинг умумжаҳон илм-фанига қўшган ҳиссаси, унинг инсоният тарихида қолдирган илмий, бадий меросини ўрганиш, ёшларни билимли ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда буюк алломанинг ўлмас меросидан кенг фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратди. — Келажакимиз эгаларини инсоният тамаддуни ривожига катта ҳисса қўшган буюк бобокалонларимизнинг авлоди эканини чуқур ҳис қилиб, улар меросини пухта ўрганиб, аждодларга муносиб фарзанд сифатида вояга етказиш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир. Уйлайманки, бу борада ташкил этилаётган тарғибот тадбирлари ҳар жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.

Итигилишда сўз олганлар буюк олимнинг илмий меросини ўрганишда партия фаоллари ва устоз-мураббийларнинг иштирокини янада қучайтириш, бу борада партия ташкилотлари томонидан янги лойиҳалар ишлаб чиқиш юзасидан фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди. Давра суҳбатида партия Беруний туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда «Беруний авлодлари» жамғармаси ходимлари иштирок этди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Истиқлол туфайли мамлакатимизда улуг алломаларимиз ҳаёти ва ижоди ҳамда бой маънавий меросини ўрганиш йўлида салмоқли қадамлар ташланди, уларнинг номлари абадийлаштирилди, мақбаралари обод қилиниб, улар ҳаёти ва ижодига бағишланган асарлар яратилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Оҳангарон туман Кенгаши ташаббуси билан "Буюк боболар сиймоси барҳаёт" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Оҳангарон туман Кенгаши етакчилари, туман ҳокимлиги ходимлари ҳамда "Умид" ва "Шодлик" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

— Халқимизнинг ўтмиши буюклиги бизга фахр ва ифтихор бағишлайди, - деди ЎзМТДП Оҳангарон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси О.Мунавваров. — Зеро, ўтмиши буюк халқнинг келажаги ҳам буюк бўлиши шубҳасиз. Ўрни келганда эътироф этиш жоизки, жажон маънавияти хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларнинг илмий ва бадий меросини пухта ўрганиш ёшларнинг муқаддас бурчидир. Модомики шундай экан, бу борадаги амалий ишлар ва тадбирлар савиясини янада оширишимиз лозим.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига хайрихоҳ бир гуруҳ фуқароларга аъзоллик гувоҳномалари топширилди.

ФАРҒОНА

ЎзМТДП Учкўприк туман Кенгаши ҳамда "Турок" МФЙ ҳамкорлигида «Баркамол авлод-юртимиз келажаги, эртанимиз эгалари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Унда партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва "Соғлом авлод" жамғармаси туман бўлими, "Камолот" ЕИХ туман бўлими Кенгаши вакиллари "Ёшлар қаноти" етакчилари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди. Тадбир ёшларни ватанпарварлик ва миллий истиқлол госяига содиқлик руҳида камол топтириш ҳамда истиқлол берган улкан имкониятлар ҳақида улар билан эркин мулоқот ўтказиш мақсадида ташкил этилди.

— Жисмонан ва маънан баркамол авлоднинг вояга етказиш, ёшларни замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш катта масъулият талаб қилади, - деди ЎзМТДП Учкўприк туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Н.Абдурахмонов. — Шу боис юртимизда таълим тизимини такомиллаштириш, интеллектуал салоҳиятли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ривожига дастурамалал бўлмоқда. Туманимиз ёшлари орасида ҳам иқтидор соҳиблари қўллаб-қопилади. Шу боис ёшларни миллий анъана ва маънавий меросимизга асосланган ҳолда тарбиялаш, уларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Тадбирда бу каби учрашувларни чекка қишлоқларда истиқомат қилувчи ёшлар орасида ҳам тез-тез ташкил этишга келишиб олинди.

СУРХОНДАРЁ

Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг ахборот соҳасини ислоҳ этиш, сўз эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборотга бўлган эътибонини тўлақонли қондириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада қатор қонунлар қабул қилинган соҳанинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, унинг ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзМТДП Шеробод туман Кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда партия нашрларининг ўрни" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман кенгаши депутатлари, маҳалла фаоллари ва тумандаги Ахборот ресурслари маркази вакиллари ҳамда "Шеробод" газетаси ижодий жамоаси иштирок этди.

— Парламент палаталари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини қучайтиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди, - деди ЎзМТДП Шеробод туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Б.Йўлдошев. — Унинг амалга оширилиши мазкур соҳада улкан янгиланишларга сабаб бўлади. Бугунги тадбирда ҳам худди шу масалалар билан бир қаторда партия фаоллари ва депутатларнинг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини қучайтириш, хусусан, партияимизнинг ягона нашри ҳисобланган "Миллий тикланиш" газетасида мақолалар билан иштирок этишни юқори савияга кўтариш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбирда иштирокчилар ОАВ қонунчилиги ва партия ҳаёти мавзусини ёритиш бўйича уларнинг қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Яқинда тадбирнинг энг фаол иштирокчиларига ЎзМТДПнинг фахрий ёрликлари топширилди.

ШОҒАШ ДАМАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

● ТАРҒИБОТ

Иштихонда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 21. йиллиги ҳамда "Мустаҳкам оила йили" деб бағишлаб "Юксак маънавиятли оила — мустаҳкам жамият ва барқарор давлат таянчидир" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Юксак маънавиятли оила жамиятнинг мустаҳкам таянчи

Унда партиянинг Иштихон туман Кенгаши фаоллари, туман ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими, "Камолот" ЕИХ туман Кенгаши бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Халқимиз азалдан оилани муқаддас даргоҳ сифатида қадрлаган. Зеро, у келажак авлод учунгинагина таълим-тарбия ўчоги, меҳр-оқибат қўрғони сифатида жамиятимизнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Бинобарин, мамлакатимизда жорий йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам оила институтини ривожлантириш орқали соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш, ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий саводхонлигини ошириш каби эзгу мақсадлар мумкин.

Тадбирда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг тумандаги ижроси ва юртимизда кечяётган ислохотларда халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг иштироки, жамият ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишлар юзасидан атрафли маълумот берилди. Эътироф этилганидек, бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан амалий чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Хусусан, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Таъкидланганидек, оила қадриятларини кўз қорачиғидек асраш асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. ЎзМТДП дастури ва сайловолди Платформасида юксак маънавиятли ва ахлоқли, эркин, масъулиятли, қомил инсонни тарбиялашга кўмаклашиш госяси илгари сурилган. Бу эса жорий "Мустаҳкам оила йили"да партияимиз вакиллари зиммасига жамиятнинг муҳим институти ҳисобланмиш оила мақомини янада оширишга қаратилган долзарб вазифаларни қўяди.

Йиғилишда сўз олганлар оиланинг миллий анъаналарини асраб-авайлаш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва маҳалла муносабатлари билан боғлиқ бой миллий қадриятларимизни кенг тарғиб қилишда депутатлик гуруҳлари фаол иштирокини таъминлаш масалаларига тўхталдилар.

Ўз мухбиримиз

● БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Сайловчилар ва электорат

МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚУЙИ БУҒИН ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИГА АЙЛАНГАН

Истиқлол йилларида юртимизда давлат барқарорлигини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилиш йўналишида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли тобора ортиб бормоқда. Эътироф этиш лозимки, мазкур жараёнда сиёсий партиялар дастурий мақсад ва вазифаларини жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилишда жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутаяди.

ЎзМТДП Кўшкўпир туман Кенгаши таркибида 1640 нафардан ортиқ партия аъзосини бирлаштирган 37 та бошланғич партия ташкилоти томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қуйи бўғинлар томонидан ЎзМТДП дастурий мақсад ва вазифаларининг жойлардаги ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолини юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнига жалб қилиш юзасидан турли тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

— 2008 йилда Кўшкўпир шаҳарча фуқаролар йиғини қошида тузилган БПТ ҳам самарали фаолият кўрсатган ташкилотлардан бири саналади, - дейди ЎзМТДП Кўшкўпир туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари М.Тиллаева. — Бугунги кунда 88 нафар ЎзМТДП аъзосини бирлаштирган мазкур қуйи бўғин партия Дастури, сайловолди Платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда сайловчиларни қизиқтираётган масалаларни ҳал этишга кўмаклашишни фаолиятининг асосий мезонига айлантирган.

— Партия мафқураси ва госясини кенг жамоатчиликка етказишда тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этади, - дейди БПТ етакчиси С.Худайназарова. — Бу борада партия туман Кенгаши, халқ депу-



татлари туман, вилоят Кенгашидаги депутатлар ҳамда жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигимиз ижобий самара бермоқда ва жорий йилнинг ўтган саккиз ойи давомида 30 дан зиёд турли мавзулардаги тадбирлар ташкил этдик. Аҳамиятисиз, ўтказилаётган тадбирларда худуд аҳолиси фаол иштирок этиб, оила мустаҳкамлиги, фарзандлар тарбияси, ватанпарвар, халқига садоқатли баркамол авлоднинг вояга етказишда оила институтининг ўрни ва роли беқиёс эканлиги борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар.

Куйи бўғин хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга кўмаклашишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, бошланғич партия ташкилоти қошида "Ёш сиёсатдонлар" клуби фаолият кўрсатмоқда. Клуб аъзолари ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини қучайтириш, уларнинг етакчилик қобилиятларини оширишга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этмоқда. БПТ фаоли Мухаббат Аvezова "Донлик ва ташаббускорлик сиёсий етакчилик мезони" республика кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллади. Ташкилотнинг фаол ёшларидан яна бири Бекзод Султонов "Кела-

жак овози" республика кўрик-танловида гоилибликни қўлга киритди. Қуйи бўғин партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўйлантираётган масалаларни бартараф этиш ва худудда "устоз-шогирд" анъанавий мактаблар ташкил этиш, ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу жараёнларда ЎзМТДП туман Кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари билан ҳамкорлик ижобий самара бермоқда. Масалан, қуйи бўғин ташаббуси билан худуддаги хунармандлар шарт-шароити ўрганилиб, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи аъзоларига таклиф киритилди.

Натижада тегишли идоралар билан ҳамкорликда тикувчи Барно Одамбоевага устакхона учун жой ажратилишига эришилди. Ҳозирги кунда қадриятларимиз давомчилари мазкур масканда "устоз-шогирд" анъанасини йўлга қўйиб, йилнинг ҳар чорагида худуддаги 10 нафарга яқин хотин-қизга хунар сирларини ўргатиб келмоқда.

Мухтасар айтганда, қуйи бўғинлар фаолиятини жонлантириш, электорат ва сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, ЎзМТДП хайрихоҳлари сафини янада кенгайтиришни бугунги кун талаб этмоқда.

Эргаш ХҲЖАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

МАЪНАВИЯТ

Истиқлол — буюк ҳаётбахш куч

● ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Мухлислик маданияти — томоша кўрки

Футбол — дунёдаги энг оммавий спорт турларидан бири. Бугунги кунда жаҳон миқёсида минглаб футбол клублари фаолият юритмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзининг миллионлаб мухлисларига эга. Шу боис футболни “миллионлар ўйини” деб ҳам атайдилар.



Давлатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори мамлакатимизда ушбу спорт турини рағбатлантиришда муҳим омили бўлмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан Футболни кўллаб-қувватлаш жамғармаси тuzилди. Бугун ушбу жамғарма томонидан болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, янги ўқув-масгулоти масканлари, сунъий қопламали майдонларни барпо этиш, футбол мактаблари моддий-техника базасини мустақамлаш борасида улкан ишлар амалга ошириляётган.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустақамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори асосида ушбу спорт тури билан шуғулланувчилар учун замонавий шарт-шароитлар яратилляётган.

Энг улуг ва энг азиз айём — Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида қуриб битказилган “Бунёдкор” стадиони бу борадаги энг муҳим ишларнинг амалдаги юксак ифодаси бўлди.

Ушбу янги иншоот билан танишган Президентимиз томошабинлар маданияти хусусида алоҳида тўхталиб, халқимизнинг гўзал фазилатлари мана шундай стадионларда ўтказилган футбол учрашувлари, турли спорт мусобақаларида ҳам намоён бўлиши керак, ким қайси жамоа ёки футбол клубига мухлислик қилишидан қатъи назар, унда ўзаро ҳурмат, юксак маданият бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Бу масала бугунги кунда 209 мамлакат футбол федерацияларини бирлаштирган Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА олдида ҳам долзарб бўлиб турибди. Чунки футбол жаҳон бўйлаб кенг ривожлангани сари “фанатизм”, “ирқчилик”, “футбол безорилари” каби хунук одатлар илдири олаётган сир эмас.

“Фанат” сўзи лотинчада “кўр-кўрона ишонувчи”, “асабий” деган маъноларни билдиради. Мухлислик ниқоби остидаги фанатизмни аслида футболнинг жозибдорлигига путур етказаятган, миллатлараро тоғувлик ва инсонийликни оёқос-

ти қилаётган “оммавий маданият”нинг бир кўриниши, десак муболага бўлмайди. Ачинарлиси, кўпчилик “фанат” сўзининг мазмун-моҳиятини тўла тушунамасдан, мухлислик билан адаштириб юборади. “Мухлис” сўзи эса “ихлос кўйган”, “ишонган” деган маъноларни билдиради.

Фанатларнинг ўзини туттишини, хатти-ҳаракатларини кузатишга эмас, улар футбол пайтида ёки ўйиндан кейин уюштирилган тажовуз ва тўполонларга олдиндан тайёргарлик кўради. Баъзи фанатлар трибунада яланғоч ҳолда баданидаги турли татуировкалари ва тақиймоқлари, бөнжана, сўч турмакларини кўз-кўз этиб, бақирчақ қилади. Бундай иллатлар ҳали дунёқароши тўла шакланмаган болаларда “футболни севиш шундай бўлар экан-да”, деган тасаввур уйғотиши ва уларни ҳам шу йўлга бошлаши мумкин.

Ашаддий фанатларга барибир: жамоаси ютса, рақиб томонини камситиб жанжал чиқаради, ютқазса аламини бошқалардан олади. Ҳар икки ҳолатда ҳам иш ур-йикит ва ёқа йиритишга боради. Бунинг жабрини эса футбол жамоатчилиги, ҳақиқий мухлислар ва футболчилар тортади.

— Мухлисларнинг кўллаб-қувватлаши футболчиларга куч-ғайрат бағишлайди, ғалабага ундайди, — дейди Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Одил Аҳмедов. — Лекин бунда ҳам меъёр, маданият бўлиши керак. Ўз жамоасини кўллаб-қувватлайман деб бошқа жамоа аъзоларининг нафсониятига теғмаслик лозим.

Халқаро миқёсдаги учрашувлар, хусусан, футбол клубларининг минтақавий мусобақалари, китъа ва жаҳон чемпионатларида ҳам фанатлар иштирокидаги тўс-тўполонлар кузатиладигани мутахассисларни хавотирга солмоқда. Мисол учун, 2010 йилги жаҳон чемпионатидаги омадсизликдан сўнг италиялик фанатлар терма жамоа бош мураббийи Марчелло Липпининг машинасини тош етказаятган, миллатлараро тоғувлик ва инсонийликни оёқос-

ти ютса мақтаб, ютқазса ҳақоратлаб, сўкиниш мухлислик эмас, балки маданиятсизликдир. Бу билан ҳеч нарсага эришиб, футболни ривожлантириб бўлмайди.

Ўзбекистон терма жамоаси мухлислари клубининг ички низомига кўра, клуб аъзоси рақиб жамоа футболчилари, мураббийлари ва ишчибозларини, учрашув ҳақамларини ҳақорат қилмаслиги, стадионга спиртли ичимликлар истеъмол қилиб келмаслиги, мухлислар клуби билан келишмаган ҳолда бирор баннер ёки плакатларни кўтармаслиги керак.

Хорижий мамлакатлардаги сафар учрашувлари чоғида эса ўша давлат қонун-қоидалари ва тартиб-интизомга тўлиқ риоя қилинади.

Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жалолатга қарши маърифат билан курашиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Глобаллашув жараёнида мухлисизга жуда тез ва чуқур кириб бораётган ҳозирги замонда дунёнинг турли бурчакларида юз бераётган ноҳуш ва жирканч воқеа-ҳодисалар, ҳар хил хуружлардан ёш авлоднинг химоялашини энг самарали усули уларнинг онги ва қалбида кучли маънавий иммунитетни ҳосил қилишдир.

Бунинг учун ёш авлоднинг мухлислик маданиятига ўргатиш, уларда бағрикенглик, ҳамжиҳатлик, сабр-тоқат, дўстлик, мардлик каби халқимизга хос фазилатларни шакллантириш жуда муҳим. Ёшларимиз жаҳон цивилизациясига беқиёс хисса қўшган улуг алломаларимизнинг ворислари, бой маданиятга, энг қадриятларга эга халқимизнинг фарзандлари эканини англаса, жамоат тартибига риоя қилишни, одамлар орасида ўзини қандай туттишни яхши билса, бу мамлакатимизда спортни, жумладан, футболни ривожлантиришга хизмат қилади.

Биз футболчилар ва мураббийлар билан доимо дўстона алоқамиз, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси мухлислари клуби етакчиси Абдураҳмон Фозилов. — Байрамлар ва ғалабаларда бир-биримизни табриклаймиз. Мағлубият бўлганда йигитларнинг руҳини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Бунга жавобан улар чиройли тўп суриб, мухлисларни хушнуд этишга интилади. Жамоа-

дан бир йил ўтганидан кейин ўша жойдаги маҳаллий давлат ҳокимияти органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи меросни бошқарувчи тайинланишини сўраб нотариусга мурожаат этиши лозим. Меросқўрлар ҳозир бўлган тақдирда, уларнинг талаби билан меросни бошқарувчи мерос ҳисобидан зарур бўлган харажат ва ҳақни тўлаган ҳолда қақриб олинishi мумкин.

Бордию ҳам қонун, ҳам васиятнома бўйича меросқўр бўлмаса, меросқўрлардан ҳеч қайсиси ворислик ҳуқуқига эга бўлмаса ёхуд уларнинг ҳаммаси меросдан воз кечган бўлса, ундай ҳолатда ўша мерос эгасиз, деб ҳисобланади.

Эгасиз мерос у турган жойдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мулкига ёхуд бу орган меросдан воз кечган тақдирда давлат мулкига ўтади.

Иқромжон ИСМАИЛОВ, Юнусобод тумани 6-сонли ДНИ нотариуси

Яқинда Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигини нишонладик. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори дастуриламал бўлди.



Ушбу қутлуғ сана муносабати билан Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан жойларда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ўзбекистон Миллий матбуот марказида шу ва бошқа ишлар яқунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда маънавият тарғиботчилари, олимлар, ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Мустақиллигимизнинг 21 йиллик тўйини муносиб нишонлаш мақсадида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан сана билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш учун таниқли олимлар, ижодкор ва зиёлилар, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тарғибот гуруҳлари шакллантирилди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари Фулом Мирзаев. — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида аҳолининг кенг қатламлари ўртасида “Тақдиримсан! Бахтимсан! Эркин ва обод Ватан!” деган ғояни ўзда муҳассам этган маърифий учрашув, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кеча, маданий тадбирлар ўтказиш учун тuzилган тарғибот гуруҳлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда самарали фаолият юритди. Жойларда ўтказилган учрашув, давра суҳбатларида олимларимиз мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни аниқ фактларга таянган асосларда аҳолига тушунтириб бердилар. Шoir ва ёзувчиларимиз истиқлолни мадҳ этувчи, она юртва садоқат ва муҳаббатни улугловчи шеърларини, бадиий лаҳзаларини ўқиган бўлса, санъаткорлар Мустақиллик, Ватан, халқимиз бунёдкорлиги таранҳум этилган куй-қўшиқларни эшитди.

Нотик, мустақиллик йиллари-

да барча соҳа ва тармоқларда эришилган ютуқ ва натижаларимиз, одамларимиз, аввало, ёшларимизнинг онгу тафаккури, сиёсий савияси, ижтимоий фаоллиги юксалиб, Ватанимизнинг қудрати ва салоҳияти, халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётгани, юриб-чиқари, олимлар, жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тарғибот гуруҳлари аҳолига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тўхталиди.

Шундан сўнг, марказ раҳбари тарғибот гуруҳи фаолиятини ташкил этишда фаоллик кўрсатган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбектеатр” бирлашмаси, “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси, Касаба уюшмалари федерацияси, Олий ва ўрта таълим вазирлиги ҳамда “Тасвирий ойна” уюшмаси вакиллари миннатдорлик билдириб, уларга фахрий ёрликлар топширди.

Анжуманда сўз олган Республика Маънавият тарғибот маркази Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари Лола Саодатова “Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!” деган ғояни ўзда муҳассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари самараси ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди: — Тарғибот тадбирларини кенг жамоатчилик иштирокида, юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган жонли ва таъсирчан шаклларда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, мустақиллик байрами билан боғлиқ тарғибот ишларини ташкил этишда маданий-маърифий тадбирлар қизиқарли, мазмунли ва таъсирчан руҳда ўтишига эришилди. Чекка қишлоқ-

лар, чегара ҳудудлари, турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган ҳудудларга кенг қамраб олинди.

Маънавият тарғиботчиларининг таъкидлаганидек, бу каби тадбирлар халқимиз, айниқса, ёшларимиз онги ва тафаккурида фидойилик ва Ватанга садоқат, порлоқ келажакка тўла ишонч туйғуларини янада мустақамлади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг туман, маҳалла ва турар-жойларида, меҳнат жамоалари, мактаб, лицей ва коллежлар, олий таълим муассасаларида, кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда ўтказилган тадбирларда мустақиллигимизнинг беқиёс маъно-мазмунли, қадр-қиммати, миллати, тили ва динидан қатъий назар барча инсонларни эркин ва овоз ҳаёт қуриш йўлида бирлаштирадиган, энг ишларга сафарбар этадиган буюк ҳаётбахш куч экани атрафлича очиб берилди.

— Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий учрашувларда Республика тарғибот гуруҳи аъзолари томонидан жами 495 та тадбир ўтказилди, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент вилоят бўлими раҳбари Шавкат Насимов. — Шунингдек, Президентимизнинг қарори қабул қилинган кундан эътиборан жойларда ташкил этилган тарғибот гуруҳлари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудларида 4600 тадан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар ташкиллаштирилди. Пойтахтимиздан юборилган тарғибот гуруҳларида 43 нафар олим, 44 нафар ёзувчи ва шоирлар, 73 нафар санъаткорлар, 15 нафар рассом ва хунармандлардан иборат жами 175 нафар аъзо фаол иштирок этди. Ўтказилган тадбирлар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ҳудудий телеканаллар, марказий ва ҳудудий даврий нашрларда кенг ёритиб борилди.

Матбуот анжуманида алоҳида қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг 21 йиллик мустақил тараққиёт йўли таҳлилига бағишланган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларининг асосий мақсади босиб ўтилган қисқа вақт мобайнида Ўзбекистон тарихидаги янгилишни жараёнларининг мазмун-моҳияти, ўзига хос хусусияти ва ривожланиш босқичларини кенг аҳоли қатламларига етказиш, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий соҳаларда амалга оширилган туб ислохотларнинг самараларини очиб беришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Маънавиятимиз тарғиботчилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди. Анжуман сўнггида ОАВ вакилларида мустақиллигимизнинг 21 йиллиги муносабати билан нашр этилган маънавий-маърифий мазмундаги китоблар тақдим этилди.

Зафар МУҲАММАД,
“Milliy tiklanish” мухбири

● МУЛОҲАЗА

Табиатга меҳр

БОЛАЛИҚДАН БОШЛАНДИ

Тўлиқ маълумотга эга бўласиз. Жумладан, республикамиз кенгликларидеда жойлашган Тўдақул, Хатча ҳудудларида қушларнинг келиб қишлаётгани камайиб бораётгани ҳисобга олиниб, уларга етарлича шароит яратилаёпти. Қирғовулар республикамизнинг деярли барча жойларида кўпайтирилмоқда. Ҳатто, айрим ҳудудларда уларни гўшти учун ўлжасига айланган экан. Шундан кейин бу жонивор тур сифатида йўқолиб кетган. Шимол ҳудудларида яшайдиган сув ҳайвони — нерпа Орол денгизидеда ҳам бўлган экан. Бироқ, унинг қуриши туғайли бу жонивор ҳам заволят топган. Унинг скелети ҳозир ҳам музейда сақланади. Шунингдек, яқин яқинларга табиатда мавжуд бўлган, ҳозир эса тулум сифатида музейларда сақлаб келинаётган паррандаю даррандаларни кўриш мумкин.

Кейинги пайтларда кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари табиат ўз бойликларини йўқотаётгани ҳақида бонг урмоқда. Ўзбекистон табиати муҳофазасида қилиш давлат кўмитаси ҳисоботлари билан танишсангиз бу борада қилинган ишлар, амалий тадбирлар ҳақида

кин. Бу фикрни бизга музей ходимлари уқтиришди. Республикада жамоатчилиги табиат жониворларини сақлаб қолиш учун ибратли ишлар қилаёпти. Буни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам кўриш мумкин. Мана оқ лайлақлар бу ҳудудларда қишлаб қоладиган бўлишди. Ҳиндистон тўтиқушлари эркин табиат кўйида юришибди. Ҳиёбонлардаги дарахтларда табиий ҳолда олмаҳонлар пайдо бўлди.

Шундай экан, табиати муҳофазасида қилиниш болалар боғчасидан, ҳар бир оиладан, мактаблардан бошлаш зарурлигини талаб қилади. Сўнгги йилларда орттирилган бой тажрибаларни оммалаштириш ҳам ўз самарасини бермоқда. Яқинда Германиялик бир гуруҳ мутахассислар Бухоро шаҳрида бўлиб, ҳамкасбларининг ишлари билан танишди. Ўз навбатида Бухоролик мактабча тарбия муассасалари ходимлари ҳам олмонийликларнинг меҳмони бўлишди. Илгор тажрибалар табиатга бўлган муҳаббат ҳиссини мурғак қалбларга солиши шубҳасиз.

Пардабой ТОҶИБОВ,
журналист

● СЎРАНГ, ЖАВОБ БERAМИЗ

Айни пайтда ўзимга тегишли бўлмаган, аммо вақти келиб тасарруфимга ўтадиган мол-мулкни васиятномага киритсам бўладими?

Н.ЖАВДАТОВ,
Тошкент шаҳри

Эгасиз мерос

ҚАНДАЙ ТАКСИМЛАНДИ?

— Мерос қолдирувчи васият қилаётган пайтда ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисида васиятнома тузишга ҳақли. Мерос очилган пайтга келиб,

мол-мулк унга қарашли бўлиб қолса, ўша фармойиш ҳақиқий ҳисобланади. Агар қонун бўйича меросқўрлар бўлмаса ёки номаълум бўлса,

Мерос очилган кундан эътибор

ЖАРАЁН

● ХУКУҚИЙ МАДАНИЯТ

Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Ҳозирги глобализация замонида кечаятган турли воқеалар ва ҳодисаларни бир қатор ўзига хос хусусиятлар ҳамда мураккаб тенденциялар билан ифода қилиш мумкин. Бундай ҳолатлар турли-туман ва кенг қамровга эга бўлиб, улар орасида инсон омили, унинг ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари шубҳасиз етакчи ўринни эгаллайди. Чунки, ҳар қандай сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлар инсон манфаатлари атрофида қурилади ҳамда ҳар бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат ва жамият ҳаётида тўлақонли таъминлашни лозимлиги бугунги кунда айниқса, энг долзарб масалага айланган инкор этиб бўлмаас ҳақиқатдир.

Бинобарин, бугун инсон ҳуқуқларини тўлақонли рўйбга чиқариш кенг жамоатчиликнинг, жумладан, халқаро миқдосда давлатлар ва халқаро ташкилотлар, миллий даражада давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва илмий доира вакилларининг диққат марказида турган асосий масалалардан биридир. Бу борада мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришганидан сўнг амалга оширилган самарали ишлар диққатга сазовор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Энг аввало, Бош Қомусимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қабул қилинган 400 дан ортиқ қонунларда айнан инсон манфаатлари, унинг эркинликлари ва ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилгани фикримиз далилдир. Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов шундай деган эди:

“Бугун Ўзбекистонда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг муҳофазаси ва кафолати, эътиқод, меҳнат ва касбни эркин танлаш ҳуқуқи, таълим олиш, ижтимоий муҳофаза ва бошқа имкониятлар қонун билан ҳимоя қилинган.

Инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши керак. Давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланади. Бу қондан ҳамма тано олиши, бу қонда ҳамма итбат қилиши шарт”.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялашда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларига тўла амал қилиб келинмоқда. Дунёдаги энг нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган илк халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир. Шу билан бирга, истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари соҳасида 60 та халқаро ҳужжатни имзолади, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома қатнашишига айланган ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича 15 та халқаро конвенцияга қўшилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида илгари сурилган таъминловчи мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларимизда ўзининг яққол ифодасини топган. Бош қонунимизнинг инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига бағишланган қисми Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоида ва нормаларини ўзида муҳасам этган бўлиб, у миллийлик, миллий зийнат ва ўзликнинг илгор қоидалари билан сугорилган ҳолда шакллантирилган, шарқона талабларга тўлиқ жавоб берадиган инсон ҳуқуқларининг яққил мажмуасидир, десак муболага бўлмайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республи-

каси Конституцияси билан бир қаторда, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрларида ҳам тўлиқ ўз ифодасини топган.

Республикаимиз Конституциясида мустақамлаб кўйилган асосий конституциявий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча муҳим соҳаларини қамраб олган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тартибга солишда ижтимоий адолат, фуқароларнинг умумий тенглиги, фуқаро ва давлатнинг ўзаро жавобгарлиги гоёсига асосланади. У фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини, шахснинг суд орқали ҳимояланиши ҳуқуқини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб кўйилган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир инсонга, ҳар

Фуқароларнинг қонунларга қатъий амал қилиши, ўзларининг жамият ва давлат олдидagi ижтимоий ва юридик масъулиятини англаб етиши, жамиятнинг етуклиги, давлатнинг маърифийлиги ва ундаги ҳуқуқий асосларнинг мустақамлигини ёрқин далолатдир.

бир фуқарога тааллуқли бўлиб, барча учун тенг ва баробардир. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар шахснинг ҳуқуқий мақоми асосини ташкил этиб, бошқа ҳуқуқ соҳалари билан уйғунлаштирилади. Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир шахс, яъни Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросига тегишлидир. Асосий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳеч бир истисносив ҳар бир киши ёки ҳар бир фуқаро учун тенг ва бирдир. Давлат у ёки бу асосий ҳуқуқни қонун олишида уларни ҳамма томонидан амалга ошириш имкониятини ҳуқуқий заминини яратадир.

Фуқароларнинг қонунларга қатъий амал қилиши, ўзларининг жамият ва давлат олдидagi ижтимоий ва юридик масъулиятини англаб етиши, жамиятнинг етуклиги, давлатнинг маърифийлиги ва ундаги ҳуқуқий асосларнинг мустақамлигини ёрқин далолатдир.

Давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни амалга ошириш учун тегишли юридик, сиёсий-иқтисодий, маданий, ижтимоий-руҳий кафолатларни вужудга келтиришга мажбурдир. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш кафолатлари тизими, аввало, қонунчиликдан бошланади. Ҳар қандай қонунни яратишда шахс манфаатлари ва ҳуқуқлари устуворлиги инобатга олиниши керак.

Ўзбекистонда демократик ислохотлар чуқурлашиб борагани сайин инсон ҳуқуқларини таъминловчи ташкилий тузилмалар ва бошқа махсус институтлар қарор топмоқда. Масалан, 1995 йил 23 февралда Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили лавозими таъсис этилди ва бундай вакил сайланди. 1996 йил

26 декабрда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари вакили (Омбудсман) тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

1996 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий маркази ташкил этилди. Бу институт қонунларнинг инсон ҳуқуқлари бобидаги қоидалари халқаро талаблар (стандартлар) даражасида бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Ўтган давр мобайнида халқимиз босиб ўтган тарихий ва мураккаб йўлга яна бир бор назар ташлайдиган бўлсак, мустақил тараққиётимиз давомида нечоғли юксак ишлар амалга оширилганига яна бир бор амин бўламиз. Бугун биз фахр билан қайд этаётган юксак натижалар замирида давлатимиз раҳбариятининг узоқни кўзлаб амалга ошириб келаётган оқилона сиёсати муҳасам.

Миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохот ва ўзгаришларни ўз ичига олган биринчи босқич ўтиш даври сифатида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида чуқур из қолдирди. Кейинги давр эса иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, Ўртабшомиз томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаро-

лик жамияти сари» гоёси асосида фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий негизлари яратилиб, мамлакат сиёсий ҳаётида кўптартиривийлик муҳити қарор топди, нодавлат тузилмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти тақомиллаштириш ҳамда суд-ҳуқуқ, таълим тизимлари ва маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар жаддалашди.

Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» номи маърузаси мамлакатимиз ривожининг ўзига хос янги даврини бошлаб берди, десак асосий йўналиш ва масалаларнинг тўлақонли ҳаллиги инсон омили ва инсон манфаатларининг ётганлиги юртимизда инсон ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида шакллантирилиши ёрқин ифода этиб турибди.

Хулоса қилиб айтганимизда бўлсак, мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар моҳиятини янада чуқур англаш, юртимизни янада ривожлантириш борасида инсон ҳуқуқларининг ҳам ўзига хос ўрни бор ва мамлакатимизнинг кейинги тараққиётида бу муҳим омиллардан бири бўлади.

Н. ТУРСУНОВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бош маслаҳатчиси



Чемпионлар маскани

Спортни адолат, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат туйғуларни уйғунлашган дўстлик ҳаракатига менгзаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам спортда катта муваффақиятни қўлга киритиш учун мана шу тушунчалар моҳиятини теран англаш юқори самара беради.

Мамлакатни дунёга машҳур қилишда спортнинг аҳамияти катта эканлигини бугун барчамиз чуқур англаб турибмиз. Зеро, мамлакатимизда спортга, айниқса, болалар спортига қаратилаётган юксак эътибор туфайли минглаб иқтидор эгалари Ватанимиз довуғини дунёга ёймоқда. Болалар спортини ривожлантириш, ёш авлод вакиллари орасидан энг иқтидорлиларни саралаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришдек оқилона сиёсат туфайли ана шундай юксак натижаларга эришилмоқда.

Бўлажак чемпионларни тарбиялашда юртимиздаги спорт мактабларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Янгиер шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби нафақат шаҳар, балки вилоятдаги энг намунали таълим масканларидан саналади. Ушбу мактабда бугунги кунда 6 та спорт тўғраги самарали фаолият кўрсатмоқда. Тўғрақка 878 нафар ўғил-қизлар жалб

● ТИББИЙ ХИЗМАТ


Соғлом миллат юрт таянчи

ДЕЙДИ БИЗ БИЛАН СУҲБАТДА ХҲҲАЙЛИ ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ БОШЛИГИ УЛУҒБЕК ҲАМРАҲОВ

Халқимиз саломатлигини мустақамлаш, юртимизда маънавиёт ва жисмонан соғлом авлодни камол топтириш масаласига давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. Зеро, бугун мамлакатимизнинг тиббий муассасалари энг мукамал ва замонавий тиббий техника билан жиҳозлангани аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада оширди.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда сифат жаҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилик тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғи яратилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида энг илгор шакл ва услублар амалга ошириб жорий қилинди. Жойларда бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пункти, шунингдек, туман тиббиёт бинолари вужудга келди.

Тиббиётда олиб борилаётган изчил ислохотлар туфайли Хўжайли туманида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси сифат жаҳатдан яхшиланиб бормоқда. Ҳозирги кунда туманда 135055 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларга маълум тиббиёт ходимлари ва бирламча тасарруфидида 1 та марказий шифохона, 4 та поликлиника, 12 та ҚВП сифатли тиббий хизмат кўрсатиш келмоқда. Айниқса, она ва бола саломатлиги муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу соҳадаги ишларни кенг қамровда олиб боришда Президентимизнинг



(ЎЗА) олган суратлар.

этилган бўлиб улардан 300 нафарини қиз болалар ташкил этади. Спорт тўғрақларида жисмонан чиникаётган болалар орасидан бугун мамлакат ва халқаро мусобақалар ғолиблантириш, ёш авлод вакиллари орасидан энг иқтидорлиларни саралаб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришдек оқилона сиёсат туфайли ана шундай юксак натижаларга эришилмоқда.

2011 йили Мексикада бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидан сўнг тарбия масканининг довуғи янада ошди. Сабаби мамлакатимиз терма жамоаси таркибида юртимиз шарафини ҳимоя

қилиб, катта ютуқларни қўлга киритган ёш футболчилар Саид Раҳманов ва Бобур Давлатов ушбу мактабнинг футбол тўғрақларида камол топган-да. Футболчиларнинг ушбу ютуғида тўғрақ раҳбари Иқром Давлатовнинг ҳам ҳиссаси катта.

— Шогирдларим менин ишончимни оқлашди, — дейди мураббий И.Давлатов. — Уларнинг ютуқлари менга катта куч бағишлади. Эзгу мақсадим Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилганидан қўлаб спортчилар тарбиялашдир. Бу хайрли ишга бор куч, билим ва иқтидоримни аямай сарфламоқдам.

БўСМ қошидаги бадий гимнастика тўғрақ фаолияти кейинги йилларда янада жонланди. Айни кунда 70 нафар қиз мураббийлар Гулчехра Раимова ва Ирина Аблаевадан нафо-

сат сабоқларини кунт билан ўрганмоқда. Тўғрақ аъзолари сафида энг иқтидорли бадий гимнастикчи қизлар ҳақида гап кетганда Умида Носирова, Виктория Ни, Нигора Ҳамзаева, Нигора Аметова биринчилар қаторида тилга олинади. Янгиерлик нафосат маликалари вилоят миқдосидаги турли беллашувларда қатнашиб юқори ўринларни қўлга киритмоқда. Умида Носирова вилоят ҳокими кубогини учун ўтган беллашувда фахрли учинчи ўрин соҳибаси бўлди. Спорт мактаби сув ҳавзасининг капитал таъмирдан чиқарилиши ва сузиш тўғрақининг маълуми мураббийлар билан боийтилиши туфайли шу соҳага қизиққан ёшларга катта имконият яратилди.

Айни кунда ушбу тўғрақда 128 нафар ўғил-қизлар сузиш техникасига оид сирларни ўрганишмоқда. Жаҳонгир Қодиров, Бегзод Ҳикматов, Илҳом Маматқулов каби тажрибали му-

раббийлар ёшларни соғлом, чаққон ва жисмонан тетик бўлишларига ҳозирданок замин ҳозирляпти.

Янгиерда келаёғимиз эгалари бўлган ёшларга катта шарт-шароитлар яратилмоқда. Келгуси йилда шаҳар ёшлари учун янги спорт мажмуаси барпо этилиши режалаштирилган. Ушбу янги ишоот фойдаланишга топширилса, ўғил-қизларнинг имкониятлари янада кенгайди.

Янгиер шаҳар Болалар ва ўсмирлар спорт мактабидан сирга қайтар эканмиз, бу маскан тарбияланувчилари орасидан келажақда юртимиз довуғини дунёга таратадиган моҳир спортчилар, Осиё ва жаҳон чемпионлари чиқишига умид боғладик.

Анорбой НОРКУЛОВ,
“Millyi tiklanish” муҳбири

соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш бўйича кенг миқдосли ишлар олиб борилди. Туман тиббиёт биноларида бирлашмаси қошида тузилган “Аҳоли репродуктив саломатлигини мустақамлаш ва соғлом оилани шакллантириш” штаби, жойлардаги туғиш ёшидаги аёллар ва болаларни соғломлаштириш бўйича маълумотлар йиғиш, кундалик мониторинг ишларини олиб бориш билан шуғулланади. Малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасини янада кенг тарғиб қилиш, ходимлар малакасини ошириш мақсадида жорий йилнинг ўзида 2 мартаба Тошкентдан келган тажрибали мутахассислар иштирокида “Фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш” ҳафталигини ўтказди. Натижада, туманнинг энг чекка овулларида бориб, аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиш ва саломатлигини сақлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг “Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида тиббиёт биноларида “Маънавий хонаси”ни ташкил қилди. Қолаверса, туманимиздаги барча мактаб, касб-хунар коллежларида суҳбат, савол-жавоб кечалари, малакали мутахассислар иштирокида учрашувлар ташкил этиб турибмиз, — дейди У. Ҳамраҳов.

Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлашга устувор вазифа сифатида қаралаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳам биримизни янада фаолликка ундади. Бир сўз билан айтганда, Хўжайли туманида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари ана шундай фаоллик ва фидойилик билан, эл соғлигини муҳофаза қилиш йўлидаги эзгу юмушларга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Эркин ДОРИПОВ,
“Millyi tiklanish” муҳбири

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРҲ

Айсберглар ҳаракати кўпаймоқда

Яқинда Антарктида соҳилидаги баҳайбат музликлар маконидан йирик айсберг ажралган. Бир неча ой давомида сайёрамиз бўйлаб кузатилган иссиқ иқлим жанубий қитъада илашиб турган йирик айсбергнинг ажрлашишига сабаб бўлди. Ажрлашиш тўғрисида келган муз палласи майдони қарийб 3000 квадрат километрни ташкил этади.



Ўтган йили Антарктида музликларидан узунлиги 130, эни 90 километргача бўлган айсберглар ҳам ажрлиб чиққан. Улар Люксембургдан ҳам катта бўлганига қарамай, ҳеч қандай табиий офатларни келтириб чиқармаган, аммо кемалар қатнови учун хавф туғдиргани шубҳасиз. Кузатувчиларнинг фикрича, бу галги каттароқ муз палласи шу ҳудуддаги император пингвинлар ҳаётига жиддий хавф солиб, кушларнинг доимий масканларидан учиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Айсбергнинг катталиги дунё океани олдидега денгиздан томчидек бўлса-да, олимлар ҳажми ва ҳарорати уммондаги сув айланишига таъсир кўрсатишга қодирлигини таъкидлашган. Айсберг ҳозир уммоннинг чуқур, совуқ оқимлар вужудга келувчи қисмида жойлашгани океанда иссиқлик алмашинувиға салбий таъсир кўрсатади. Ҳозирнинг ўзида музлик зич ва жуда совуқ океан суви вужудга келадиган ҳудудни тўсиб қўйган. Агар музлик вақти-вақти билан парчаланиб турмаса, денгиз оқимларининг йўналишини ўзгартириб, об-ҳавога таъсир кўрсатади. Айнан шундай жараёнлар тўғрисида келаси йилларда киш одатдагидан совуқ келиши эҳтимоли мавжуд.

Аслида иқлим ҳақида ўзгаришлар бўлиб, айрим мутахассислар бунга табиий жараён сифатида қарашади. Бироқ сўнгги бир аср давомида иқлим табиий омиллар асосида эмас, инсон фаолияти оқибатида ўзгармоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, инсон ўз фаолияти билан абадий музликларга тузатиб бўлмас даражада зарар етказиб турганини таъкидлашади. Ҳатто, шимолий кутб, Арктикадаги музликлар келгуси 40-50 йил мобайнида бутунлай эриб, океан сатҳи 7 метрга кўтарилиши мумкин.

Иқлимшуносларнинг айтишларича, келгусида табиат инжиқликлари янада кўпайиши мумкин. Зеро, буни ўтган 10-20

йил мобайнида ҳароратнинг бирданига нотабиий равишда кўтарилиб кетиш ҳолларининг тез-тез юз бераётганидан ҳам билиш мумкин. Хусусан, Покистон, Хитой минтақаларида кузатилган тинимсиз ёмғирлар оқибатида юзага келган сув тошқинлари, Африка қитъасида ёққан қорлар, Европа ва Россиядаги мисли кўрилмаган ўрмон ёнгинлари, сайёрамиз бўйлаб руй бераётган қурғоқчиликлар бунга мисол бўла олади. Олимлар биргина ўрмон ёнгинлари 50 фоизини ташкил этади. Бунда осмонга чиқаётган ёнғин тунлари атмосферанинг юқори қисмидаги ҳавони қиздиради. Бу эса табиат флорасининг бузилиши, атмосферадаги парник газларга жиддий таъсир этмай қолмайди. Умуман олганда, глобал миқёсидаги иқлим ўзгаришлари гайриоддий тарзда ривожланиб бормоқда.

Бу борада олимлар океанлардаги сув сатҳининг кўтарилишидан хавотир билдирмоқда. Уларнинг фикрича, уммонлардаги сув сатҳининг кўтарилишига, асосан, икки ҳолат сабаб бўлиши мумкин. Биринчиси, бу — глобал иссиқликнинг океанлардаги ўртача ҳароратнинг кўтарилиш ҳолати бўлиб, сўнгги 40-50 йилда океанлардаги ҳароратнинг ортиси кутилганидан 50 фоиз тезроқ содир бўлмоқда. Иккинчи ҳолат куруқликдаги музликларнинг эриши бўлиб, улар ўтган йиллар давомида кутилганидан ҳам тез эриб кетмоқда. Улар бу борада, асосан, Гренландия ва Антарктидадаги муз қояларнинг йўқолиб бораётганига урғу бе-

ришган. Ҳозир кутбдаги музликлар кутилганидан жуда тез тугаб бораёпти. Гренландияда эса сайёрамиздаги музликларнинг 10 фоизи (2,5 миллион километр куб) мавжуд бўлиб, улар йилига ўртача 200-300 километр куб атрофида қисқармоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, агар Гренландиядаги музлар эриса, океандаги сув сатҳи 7 метргача кўтарилиши мумкин. Маълумотларга қараганда, Арктика минтақасида музликлар қалинлиги 60 см дан то 3,5 метрни ташкил этган, яъни музликлар қарийб икки баробар қисқарган. Умуман, ўтган 40 йил давомида Арктикадаги музлар 6 фоизга кичиралган. Музликлар маконидега ҳаво ҳарорати бутун дунё билан солиштирилганда 2 баробар тезроқ исимоқда. Дунёнинг 250 нафар етакчи тадқиқотчилари ўз изланишлари натижаси бўйича 2070 йилда Шимолий муз океани бутунлай эриб битиши ва ёзда у ерда бемалол сузиш мумкинлигини маълум қилишган.

Шимолий муз океани дунёнинг энг кичик уммони бўлса-да, жаҳоннинг энг хавфли океанига ҳам айланиб бормоқда. Бунга сабаб, ҳудуд «совуқ уруш» даврида радиацион чиқиндилар маконидега кутилганидан ҳам тез эриб кетмоқда. Эндиликда океан кимёвий бомбага айланиб бораётир. Бу ҳақда Бутунжаҳон табиий муҳит ҳофазаси қилиш жамғармаси маъ-

лум қилган. Сўнгги тадқиқотларга кўра, шимолий муз океанида ДДТ (дихлордифенилтрихлорметилметан)га ўхшаш тақиланган пестицидлар, уни ишлаб чиқарувчи маҳсулотлардаги маълум бўлди. Бундай моддалар зарарли кимёвий моддалар музлар таркибидега мавжудлиги маълум бўлди. Бундай моддалар баллиқлар, толен ва ҳатто китлар ёғидан ҳам топишган. Бутунжаҳон табиатни муҳофазаси қилиш жамғармаси тарқатган маълумотларга кўра, зарарли кимёвий моддалар оқимлар билан шимол томонга ҳаракатланмоқда. У ерда эса мазкур моддалар музлаб қолади ва маълум муддат ўтган, атроф-муҳитни захарляпти. Бу эса Шимолий муз океанини кимёвий бомбага айлантирмоқда.

БМТ бош котиби Пан Ги Муннинг журналистларга берган интервьюсида айтишича, иқлим ўзгариши бораётиб туришган халқаро ҳукуматлараро комиссияси глобал иқлим иссиқи одам фаолияти билан боғлиқ, деган аниқ хулосага келган. Ҳисоботда ёзилишича, иқлим иссиқи куруқлик ҳамда шимол балангликларидега яққол сезилаётир. Шунингдек, Европанинг шимолий-шарқига келаётган илқ океан оқимлари секинлашиши кутилмоқда. Ўз навбатида айтиш лозимки, БМТнинг бундан 3 йил олдинги ҳисобо-

● **Тарқатилган маълумотларга кўра, глобал иқлим ўзгариши оқибатида ҳар йили 315 минг нафардан ортиқ одам ҳаётдан кўз юммоқда. Яна 20 йилдан кейин бу кўрсаткич 500 минггача етиши мумкин. Шунингдек, иқлим ўзгариши оқибатида ҳар йили 325 миллион киши соғлиғига путур етмоқда.**

● Уммон суви бир метр кўтарилиганда сайёрамиздаги 600 миллион киши истиқомат қилаётган ҳудуд хавф остида қолиши мумкин. Олимларнинг ҳисобича, асримиз охиригача дунё ҳарорати 2,5-3 даражагача ортади. 2080 йилда Гренландия, 2100 йилда эса Антарктидадаги музлар тугайди. Финляндия олимлари томонидан махсус компьютер ёрдамида сўнгги 300 йиллик натижаларга таяниб ўтказилган тадқиқотларга кўра, денгизлардаги сув сатҳи ҳудудларнинг жойлашувига қараб 0,5 метрдан 2 метргача юксалади. Ҳозир бу ҳолат йилига 3 миллиметрни ташкил этмоқда.

● **Ерда кутб музликлари қарийб 48 миллион йил илгари вужудга кела бошлаган. Ўшанда Арктикада илк муз ороллари пайдо бўлган.**

тида глобал иссиқ оқибатида бўрон, тўфон, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар нисбатан тез-тез содир бўлиши ҳақидаги тахминлар бугунга келиб тўғри эканига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Биргина Африка қитъасида ўтган йиллар давомида бир неча маротаба қор ёққани кузатилган. Эндиликда бу табиий ҳолатга айланиб қолгандек. Аммо масалани атрофлича ўрганиб чиқаётган мутахассислар бу борада айрим маълумотларни келтириб ўтишмоқда. Маълумки, форс кўрфазиси мамлакатлари, Африка давлатларининг асосий даромад манбаи нефть ва газга боғлиқ бўлган. Табиий ресурслардан оққўлиқ билан фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазасига етарлича эътибор бермаслик кўплаб кутилмаган ноҳушлиқларни келтириб чиқармоқда. Хусусан, Африканинг Чад, Мали, Нигер каби мамлакатларида ёнғинчилик ҳар 10 йилда 10 фоиз камайиб бораётир. Сахрой Кабирнинг қум қисмлари кенгаймоқда. Қум барханлари сахронинг жанубий чеккаларидаги яйлов ва экин ерларини «ағалламоқда». Кузатувчиларнинг фикрича, минтақадаги ҳолат дарҳол ёмонлашиб қолмаган, бу узоқ давом этадиган жараён бўлиб, инсоният ҳозирдан мавжуд муаммоларни қандай ва қай тарзда ҳал қилинишига эътибор қаратиши лозим.

Сўнгги маълумотларга кўра, Шимолий муз океанининг Бафрин ва Гренландия денгизларида йирик айсберглар пайдо бўлган. Мазкур қитъанинг муҳим гидрологик хусусиятларидан бири қишда унинг ўндан тўққиз қисми муз билан қопланишидир. Ҳозир мазкур айсберглар океаннинг марказий қисмида ҳаракатланмоқда. Кузатувчилар катталиги бир неча юз километрни ташкил этган айсберглар кўчиб юрвчи муз ороллари эканини таъкидлашмоқда. Аммо бу ҳозирча тахминлар, ҳолос.

Юқорида таъкидлаган Антарктида соҳилидан чиққан энг йирик айсберг эса ҳозир Австралия томон ҳаракатланмоқда. Музлик бирмунча кичрайган бўлса-да, мутахассислар ҳозирги ҳароратнинг пазайгани айсбергларнинг кўп ва узоқроқ «саёҳат» қилишига имкон беришини таъкидлашган.

Бехбуд БОТИРОВ,
"Milliy tiklanish"
шарҳловчиси

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Нигерия нефтига талаб юқори

Нигерияда нефть қазиб олиш бўйича рекорд натижага эришилди.

Ҳозир бу ерда кунига 2,7 миллион баррель «қора олтин» қазиб олинмоқда. Мамлакат газнасининг асосий қисми нефтдан тушадиган даромад ҳисобига бойишти. Бироқ ўтган йиллар давомида глобал молиявий инқироз нефтга бўлган талабни бироз пасайтирди. Эндиликда бу борада талаб ва тақлифлар кўпайгани боис ҳукумат «қора олтин» қазиб олишни янада кўпайтириш чораларини кўрмоқда. Ўтган июль-август ойларида мамлакатда нефть ишлаб чиқариш ҳажми кунига 2-2,4 миллион баррелдан ошмади. Эслатиб ўтамоқчи, «қора олтин» бозори етакчиси — Саудия Арабистони ва Россияда кунига ўн миллион баррелдан ортиқ нефть қазиб олинади.



Зич аҳоли камаяди

Япония пойтахтида 2100 йилга бориб аҳоли сони икки баробар камаяди.

Токио Кунчиқар юртининг аҳоли тез суръатларда ўсаётган шаҳарлардан бири саналади. Айни пайтда бу ерда 13 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилиб, шаҳарга ҳар кунини ўртача 2,5 миллион одам турли вилоятлардан келиб-кетади. Япония пойтахти, шунингдек, аҳолиси зич жойлашган шаҳарлардан. Бироқ аҳолишунослар бу борадаги ўсиш 2020 йилга бориб тўхташини билдиришган. Демак, яна 85-90 йилдан сўнг мамлакат пойтахтида аҳоли сони 13,3 миллион кишига етади. Аммо кексалар сони эса рекорд кўрсаткич 45,8 фоизга ортиши кутилмоқда.




Тез эскирадиган мева...

Эскирмайди

Хитойлик олимлар янги узилган мевани бир неча ҳафта давомида сифатли сақлайдиган махсус сувоқлик яратишди.

Маълумотларга кўра, ушбу сувоқлик таркибидеги моддаларда мева пўстлогини сўлишдан ҳимоя қилиш хусусияти мавжуд. Аҳамиятлиси шундаки, тажрибасинов энг тез эскирадиган мева — бананда ўтказилган. Банан пўстлогига сепилган янги сувоқлик қарийб 15 кун давомида уни қорайиб қолишдан сақлаган. Тез эскиришдан ҳатто музлаткич ҳам ҳимоя қилолмайдиган банан энди анча вақтгача истемолга яроқли сақланади.



Фарқ қарийб

1 миллиард доллар

АҚШнинг компьютер техникаси, мобил телефонлари ишлаб чиқарувчи «Apple» компанияси жаҳондаги энг қimmat сановат корхонаси, деб топилган.

Айни вақтда Дю Джонс индекс бўйича мазкур компания акцияларининг баҳоси 620 миллиард АҚШ долларидан ошган. Таҳлилчиларнинг сўзларига кўра, «Apple»нинг бундай муваффақиятга эришишига компания сармоядорларининг янги маҳсулотлар — iPhone 5 ва iPadнинг янги моделининг жаҳон бозоридега хариддорлар бўлиши сабаб бўлган. Бундан аввал энг қimmat компания сифатида рекорд кўрсаткичи 619 миллиард АҚШ долларлик қиймат «Microsoft» корпорацияси эгаллаган эди.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Дунёга «қулаётган минора» сифатида донг таратган кўнғирқоҳона Пиза шаҳрида жойлашган. Ўзига хос меъморий ечим ва мустаҳкам асосга эга ушбу иншоот ҳақида ҳам дунёга танилди, одамларнинг меҳрини қозонди, сайёҳларнинг оромини ўғрлади.

Пиза минорасининг қурилиши XII-XIV асрларда бошланган бўлиб, ҳозирги кўринишига анча кейин, муттасил қурилиш ва таъмирлашлар натижасида келтирилган. Кўнғирқоҳона-минора тарихи билан боғлиқ битикларда ёзилишича, 1174 йили Бонано Пизано ва Вильгельм фон Инсбург томонидан бино пойдевори асос солинган. Улар бошчилигида тахминан ўн йил мобайнида ердан уч метр чуқурликда минора пойдевори ҳамда уч қаватли колонна қурилган. Ана шу жараёнда бино вертикал томонга бироз ёнбошлагани маълум бўлиб қолади. Минора мустаҳкам ерда қурилганини пайқаган мутахассислар иншоот пойдевори атайин шундай қуйилган, деган фикрга келишади. Улар бу билан гўёки меъморчилик санъати кўп қиррали эканини исботламоқчи

бўлишган. Бироқ, кейинчалик миноранинг пойдевори ҳақиқатдан ҳам қийиқ қурилганига ишонч ҳосил қилинган, қурилиш ишлари таққа тўхтади. Орадан бир аср ўтиб, Жовани ди Семон миноранинг навбатдаги уч қаватини кўтарди. Янги қурилиш тахминан 9 йилча давом этади. Лекин, кутилмаганда баланглиги 48 метрга етган миноранинг юқори қисмидаги кўнғирқоҳона пойдевордан 90 см. жанубга оға бошлагани билиниб қолади. Бу сафар бино қурилиши янаям узоққа чўзилади.

XIV асрда Томмазо ди Андро минора устига галерея ва янги кўнғирқоҳона қурдира бошлайди. Ўшанда миноранинг баланглиги 58 метрга етиб, бу гал яна 1,43 метр ёнга оға бошлайди. Аслида минора 12 қаватдан иборат бўлиб, унинг баланглиги тахминан 98 метрга етиши

Қулаётган минора

УНИ НИМА УШЛАБ ТУРАДИ?


қўзда тутилган. Унинг энг юқори қисмидаги кўнғирқоҳона томи эса ундан-да баландроқ бўлиши керак эди.

Пиза минорасининг ниҳоятда нозик ва бежирим кўринишида унинг ҳар бир қаватидаги оқ колонналар сабабчидир. Қолаверса, кўнғирқоҳона асоси мустаҳкам қурилгани боис асрлар оша бизгача етиб келган. Унинг пастки қаватидаги деворларнинг қалинлиги 4,9 метрни, юқори қисми эса 2,48 метрни ташкил этади. Қулаётган минора саккиз қанотли цилиндр шаклидаги оқ мрамрдан қурилган бўлиб, олти қавати Византия ёхуд шарқ меъморчилиги анъаналарига хос услубда, жимжамдор арк кўринишида бунёд этилган.

Минора конструкцияси иккита асосий қисм: асос ва кўнғирқоҳонадан иборат. Бинонинг деворлари, айниқса, биринчи қавати галерея ва йирик ярим устунлар билан безатилган. Устунларга ромб шаклидаги мрамрдан ишлов берилиб,

унинг марказига атиргуллар жойлаштирилган. Айрим деворларида оддий дарчалар ҳам мавжуд. Минорага ягона йўл орқали кирилган. Кўнғирқоҳона-миноранинг асосий қисми балиқ зали деб номланади. Залнинг деворларига балиқ расми туширилган. Энг қизиги, залнинг шифти йўқ. Хонага ёруғлик кўнғирқоҳона полининг ёриқлари орқали тушиб туради. Миноранинг учта асосий зинаси бўлиб, уларнинг бири олтинчи қаватдаги ташқи галереяга олиб чиққан. Иккинчидан эса еттинчи қаватга ва энг сўнгги кичик зинадан томга ўтилган. Кўнғирқоҳонанинг олтинчи қавати бўлиб, уларнинг энг оғири 3,6 тонна, энг енгил 300 кило тош босган. Аксарият кўнғирқоҳонлар XVI-XVII, айримлари эса XVIII асрда ясалган.

Афсуски, минора қурилганидан бери йилдан-йилга оғишда давом этган. Мутахассислар XVII-XIX асрларда бир неча бор иншоотни мустаҳкамлашга ҳаракат қилиб кўришган. Маъ-



лумотларга қараганда, минора доимий назоратга олинган вақтдан буён йилига 1,2 миллиметрга оға бошлаган. Бугунги кунга келиб эса Пиза минораси марказидан 5,3 метр ёнга оғиб улгурган. Ҳозиргача «қулаётган минора»ни асраб қолиш мақсадида салкам 5 йил таъмирлаш ишлари олиб борилди. Таъмир чоғида минора атрофи темир тўсинлар билан мустаҳкамланди, 7 минг кв. метр ҳажмдаги мрамр тошлар қайта тозаланди. Бундан ташқари, италиялик олимлар миноранинг кулаш жараёнини секинлатишга муваффақ бўлишди.

Италиянинг ўрта аср маданиятини ўзида акс эттирган Пиза минорасини ҳақиқий маънода буюк санъат асари дейиш мумкин. Бундай меъморий ёдгорликлар дунёда санокли. Шу боисми, қадимги иншоотларни биз инсон қўли билан яралган мўъжизага менгаймиз. Пиза минорасининг қийиқлиги уни инсониятга танитди. Ахир, неча асрлардан бери кулаб тушадигандек бўлиб туюладиган кўҳна ва маҳобатли минорани кўриш, унинг зиналари бўйлаб кўтарилишни ким ҳам истамайди, дейсиз.

Зафар МУХАММАД

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Иболи келинлар танлови

"Мустахам оила йили" Давлат дастурида белгиланган вази...

Нукус тумани хотин-қизлар кўмитаси, "Махалла" хайрия жамоат фонди ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган "Иболи келин" танлови ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Суратларда тарих ва маданият талқини

Самарқанд шаҳридаги "Чорсу" галереясида Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, таниқли расом Ориф Муинов хотира...

Ўзбекистон Бадий академияси Самарқанд вилояти бўлими, "Чорсу" галереяси ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирнинг очилиш маросимида маданият ва санъат намояндалари, ёш ижодкорлар Ориф Муинов ҳаёти ва унинг сюрреалистик ижоди ҳақида сўз юритдилар.

Миллий таомлар фестивали

Пойтахтимиздаги "Tashkent Palas New" меҳмонхонасида "Тасанно-2012" халқаро миллий таомлар фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб хорижий давлат элчилари, дўстлик жамияти вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан ташкил этилган мазкур фестивалда Хиндистон, Индонезия, Туркия, Германия, Чехия, Корея, Миср, Малайзия, Озарбойжон, Туркменистон, АҚШ, Покистон, Польша, Украина каби хорижий давлатлардан вакиллар иштирок этди.

Чий-чийойнинг саргузаштлари

Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусикали драма ва комедия театри жамоаси турли ташкилот, муассасаларда бўлиб, катталар ва болалар учун мўлжалланган спектакллари намойиш этмоқда.

Айниқса, Ҳ.Имомбердиевнинг дунё халқлари эртақлари асосланган таржимаси асосида сахналаштирилган "Чий-чийойнинг саргузаштлари" мусикали эртақ-томошаси барчада катта таассурот қолдириди. Шунингдек, театр жамоаси Х.Хурсандовнинг "Ўлдинг, азиз бўлдинг", О.Ҳақимовнинг "Бу чоллар ёмон чоллар" спектакллари ҳам томошабинлар томонидан илқ кўтиб олинди.

КЎЗГУ

МОЗИЙДАН САДО

Ўзбекистон давлат санъат музейи

БАТАНИМИЗ ФАХРИ, МИЛЛАТИМИЗ ҒУРУРИ

Ўтмишдан қолган бой меросимизни келажак авлодларга бус-бутун етказиш энг аввало, юртимиз музейларининг бурчидир. Ватанимиз фахри, миллиатимиз ғурури бўлмиш ана шундай музейлардан бири Ўзбекистон Давлат санъат музейидир. Бу ерда рангтаъсвир, тасвирий санъат, ноёб халқ хунармандчилиги буюмлари, ҳайкалтарошлик, заргарлик, каштачилик каби бебаҳо дурдоналар кўз қорачигидек асраб-авайлаб келинади.



Музей коллекциялари ўзининг хилма-хиллиги билан Марказий Осиёдаги энг йирик музейлар сирасига қиради. 52 та томоша зали, 70 мингга яқин экспонатлар тўпламига эга бу маскан бор-йўғи 500 та санъат асари билан ташкил толган. Даставвал, музей тўпламларининг асосини дунёга машҳур рус ва Ғарбий европалик расомларнинг тасвирий санъат ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари, бадийий мебель ва чинни буюмлар ташкил этган. Кейинроқ унинг захираси Туркистон ўлкашунослик тўпламлари билан бойитилди. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб музей хазинаси Ўзбекистон расомларининг асарлари ҳисобига ҳам бойиб борди.

Музейда илк Кушон маданиятига оид лойдан ясалган ҳайкалтарошлик санъат асарлари ҳам бор. Улар эраимизга қадар I аср ва эраимизнинг I асрига оид бўлиб, Сурхон воҳасида жойлашган шаҳар харобаси — Холчаёндаги подшоҳ саройига зеб бериб турган. Ушбу санъат асарлари ўша даврдаги маҳаллий ҳайкалтарошларнинг юксак иқтидор эгаси эканлигини, уларнинг элдин маданияти аъёнларидан хабардор бўлганлигидан дарак беради. Илк ўрта асрларга келиб, юксак шаҳар цивилизациясининг йирик марказлари пайдо бўлади. Булар Самарқанд, Бухоро, Ахсикет, Кува, Термиз шаҳарлари бўлиб, улар тарих саҳнига чиқадилар. Ўша даврда яратилган ноёб санъат асарлари динийгина эмас, балки дунёвий мавзудаги яъни сарой ҳаёти, миф ва эпик сюжетлар кўринишида ҳам ўз ифодасини топади.

Музей коллекциялари ўзининг хилма-хиллиги билан Марказий Осиёдаги энг йирик музейлар сирасига қиради. 52 та томоша зали, 70 мингга яқин экспонатлар тўпламига эга бу маскан бор-йўғи 500 та санъат асари билан ташкил толган. Даставвал, музей тўпламларининг асосини дунёга машҳур рус ва Ғарбий европалик расомларнинг тасвирий санъат ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари, бадийий мебель ва чинни буюмлар ташкил этган. Кейинроқ унинг захираси Туркистон ўлкашунослик тўпламлари билан бойитилди. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб музей хазинаси Ўзбекистон расомларининг асарлари ҳисобига ҳам бойиб борди.

Музейда илк Кушон маданиятига оид лойдан ясалган ҳайкалтарошлик санъат асарлари ҳам бор. Улар эраимизга қадар I аср ва эраимизнинг I асрига оид бўлиб, Сурхон воҳасида жойлашган шаҳар харобаси — Холчаёндаги подшоҳ саройига зеб бериб турган. Ушбу санъат асарлари ўша даврдаги маҳаллий ҳайкалтарошларнинг юксак иқтидор эгаси эканлигини, уларнинг элдин маданияти аъёнларидан хабардор бўлганлигидан дарак беради. Илк ўрта асрларга келиб, юксак шаҳар цивилизациясининг йирик марказлари пайдо бўлади. Булар Самарқанд, Бухоро, Ахсикет, Кува, Термиз шаҳарлари бўлиб, улар тарих саҳнига чиқадилар. Ўша даврда яратилган ноёб санъат асарлари динийгина эмас, балки дунёвий мавзудаги яъни сарой ҳаёти, миф ва эпик сюжетлар кўринишида ҳам ўз ифодасини топади.

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

Она юртим оҳанглари

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида таниқли ўзбек расомларининг Мустақаллигимизнинг 21 йиллигига бағишланган "Она юртим оҳанглари" деб номланган кўргазмаси давом этмоқда.

Намойишга қўйилган юздан ортиқ асарларда расомларимиз тоғ-адирлар, табиат манзаралари, турмуш тарзимиз, миллий қадрият ва аъёнларимизни акс эттиришган. Айниқса, йил фасллари тасвирланган ўнлаб асарларда юртимизнинг ҳар бир фаслига хос ғўзаллиги моҳирона тасвирланган. Экспозицияга қўйилган асарларда расомларнинг му-

аллифлик услуби ва ўзига хосликлардан қатъий назар она заминимизга бўлган муҳаббат билан тасвирланган. Бу эса ижодкоримизга илҳом манбаи сифатида хизмат қилиб, янги асарлар яратишга сафарбар қилиши шубҳасиз.

Тасвирий санъат галереясининг бошқа залларида кино, рангтаъсвир ва графика соҳасида етук

Баҳром Ҳамдамийнинг "Шоир Музтариб", "Мажнун саҳрода", Р.К.Зоммернинг "Бибихоним масжиди", "Самарқанд масжиди", К.П.Брюловнинг "Турк аёли", "Боғчасарой фаввораси", "Италиялик аёллар уйи", В.Л.Боровиковскийнинг "Болалик аёл" каби асарлари таъмирланди. Музейда Европа уйғониш даврининг, Рус расомларининг, Шарқ мамлакатлари санъат асарлари ҳам асраб-авайлаб сақланмоқда.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, унинг қатор хорижий давлатлар билан алоқалари ривожланди. Натижада санъат музейи коллекцияларининг экспонатлари 2003 йили Вашингтонда, 2005 йили Япониянинг Киото, Фукуока, Иваки, Окадзаки, Кегава шаҳарларида, Москва, Санкт-Петербург (Россия 2005-2006-й.), Париж (Франция 2009-й.), Сеул (Жанубий Корея, 2009-2010-й.) ва Гронинген (Нидерландия, 2010-2011-й.) да намойиш қилинди. Кўргазмалар кўплаб чет эллик мутахассисларнинг ва кенг ижтимоий омманинг диққат эътиборида бўлиб, катта қизиқиш билан кўтиб олинди. Кўргазма хориж оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Музейнинг ўзида ҳам бир қатор кўргазмалар тез-тез бўлиб ўтади. Бу, энг аввало, халқимизда замонавий ҳаёт ўзгаришлари билан бирга, унинг ўтмиши, ҳаёт тарзи, маданият салоҳияти ҳақида кенг-роқ тасаввурлар ҳосил қилишга хизмат қилади. Музейда ўз соҳасини севган моҳир касб эгалари хизмат қиладилар. Улар музей хазинасидаги бебаҳо меросимизни кўз қорачигидай сақлаш учун илмий тадқиқот қилиш билан бирга, зарурат туғилганда реставрация ишига ҳам бош қўшадилар, ноёб тарихий асарларни келажак авлодларга бус-бутун етказишни ўзлари учун фарз деб биладилар.

Санъат асарлари жуда қадим замондан, аниқроқ айтадиган бўлсак, қадимги тош даврдан бери одамларни эзгуликка, ғўзалликка чорлаб, уларни яратувчиликка ундаб келади. Шу билан бирга жамиятимизда давлат эътиборига олинган баркамол авлод тарбияси катта кучга эгадир. Музейимизга ташриф буюрганлар мангуликка муҳрланган ғўзаллик билан танишадилар ва бутун умрлари давомида унинг шайдоси бўлиб қоладилар, деган умиддамиз. Доншмандларимиз бежизга оламни ғўзаллик асрайди, деб айтмаганлар-ку.

Эллада АХМЕДОВА, Ўзбекистон Давлат санъат музейи бўлим мудири, санъатшунос

рассом сифатида ўзини намойиш қилаётган Бахтиёр Назаровнинг "Танланган йўл" номили шахсий кўргазмаси очилди. Бахтиёр Назаровнинг ижод ва ҳаёт йўли бевоқиф кино билан боғлиқ. Узоқ йиллар давомида "Ўзбекфильм" киностудиясида постановкачи-рассом сифатида фаолият юритиб келган рассом мақсади сари интилиб, ғўзалликлар оламнинг юқори чўққиларини забт этди, ўз услуби ва маҳоратини мукаммаллаштириб борди. Рангтаъсвир йўналишида ҳам ўзига хос услубни танақлади. Унинг рангтаъсвир асарлари кино расомларига хос равишда эскиз ҳолатида экани, маконий ва кадрга оидлиги билан ажралиб туради. Б.Назаровнинг рангтаъсвир асарларида портрет ва манзара жанрлари етакчилик қилади.

Экспозицияда муаллифнинг мамлакатимизнинг замонавий ва тарихий шаҳарлари, уларнинг кечаги ва бугунги қиёфаси, меъморий ёдгорликлар, таниқли ва машҳур ижодкорлар сиймоси, табиат ғўзалликлари, дунё шаҳарлари, ўзбек кинофильмлари ишланган бир қатор эскизлари жой олган. Шу билан бирга кўргазмада аниқ тасвирланган умумий образларга ўтиб ишланган кўплаб расмлар ҳам қўйилган. Муаллифнинг ушбу асарларида биз нафақат профессионал маҳорат, балки уларда ўзликни англаш, мулоҳазага чорловчи ҳолат ва манзараларни ҳам кўраемиз. Кўргазмалар шу йилнинг 28 сентябрга қадар давом этади. Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Мабодо биз бирор бир кулфатга йўлиқсак ёки қийин аҳволга тушиб қолсак, ҳўш, қайси ғўноҳларим эвазига шу аҳволга тушиб қолдим, қандай хатоларга йўл қўйдим, деб ўйлаш ўрнига, дарров бошқаларни ёки тақдирни айблашга тушамиз.

Яхшиликни бирор билан мусобақалашиб, эзгуликни мағрурланиш орқали қилиб бўлмаслигини, доимо ёдда тутинг.

БИЛАСИЗМИ?

Перудаги Ла Ринконада денгиз сатҳидан энг баянда жойлашган (5 099 метр) шаҳар ҳисобланади.

Леонардо да Винчининг кўплаб ихтиролари орасида парашютнинг ҳам чизмаси бўлган.

ТУРФА ОЛАМ

Ким аслида ким?

Германиянинг АДАС КЛУБИ АВТОИШҚИБОЗЛАР ЎРТАСИДА СЎРОВ ЎТКАЗДИ.



Сунъий кўз

Австралиялик шифокорлар мураккаб кўз жарроҳлиги амалиётини амалга оширишди.



Ўзи ўшаю номи бошқа

Лондондаги Вестминстер саройида жойлашган Биг Бен соат-миноранинг номи расман ўзгарди.



Альпинистлар учун меҳмонхона

Италия ва Франция чегарасида жойлашган Монблан тоғида альпинистлар учун махсус меҳмонхона барпо этилди.



"Refuge du Gouter" деб номланган ушбу меҳмонхона 3835 метр баландликда қурилган бўлиб, уни барпо этиш учун 6 миллион евро миқдорида маблағ сарфланган. 120 одамни қабул қилишга мўлжалланган меҳмонхона том ва деворларига ўрнатилган қуёш панеллари, бир неча шамол ва дизель генераторлари ёрдамида электр энергияси билан таъминланади.

Гулноза РАСУЛОВА тайёрлади

ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва фракцияси партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Олимжон Ўсарова отаси

АВАЛБЎЙ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.